XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHI

QARORI

298/34-6 -son “ **19** ” **февраль** 202 **1** yil

Сергели, Янгиҳаёт туманларидаги айрим маҳаллаларни бўлиш, янги маҳалла ташкил этиш, бирлаштириш, ном бериш ҳамда уларнинг чегараларини ўзгартириш ва белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарорига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 443-IV-сон ва Сенатининг 2020 йил 11 сентябрдаги СҚ-135-IV-сон “Тошкент вилояти Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4888-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сергели тумани ҳокимлигининг “Сергели тумани ҳудудидаги айрим маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, янги маҳалла ташкил этиш ва унга ном бериш тўғрисида”ги ва Янгиҳаёт тумани ҳокимлигининг “Янгиҳаёт туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган, бирлаштирилаётган маҳаллалар ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллалар ва уларга ном бериш тўғрисида”ги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

- Сергели туманидаги ҳудудий чегаралари ўзгариши ҳисобига бўлинаётган маҳаллаларнинг номлари **1-иловага;**

- Сергели туманидаги "Бунёдобод" маҳалласини бўлиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла номи **2-иловага;**

- Сергели туманидаги ҳудуди ўзгараётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифи **3-иловага** мувофиқ;

- Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган, янги ташкил этилаётган ҳамда бирлаштириш ҳисобига номи ўзгараётган маҳаллалар **4-иловага** мувофиқ;

- Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган, янги ташкил этилаётган ҳамда бирлаштириш ҳисобига номи ўзгараётган маҳаллалар чегаралари ва тавсифи **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 526 та деб юритилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф. Маҳмудхўжаев), Сергели тумани ҳокимлиги (Э. Шукуров), Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги (Х. Иногамов):

- номи ўзгарган, янги ташкил этилган маҳаллаларнинг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

- ҳудудларда ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х. Шакиров), Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф. Маҳмудхўжаев) Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л. Исматуллаев) янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чоралари кўрилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф. Маҳмудхўжаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Б. Ташходжаев), Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов) мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А. Ахмаджонов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www. toshkent. uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси

Р. Фазилов ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф. Маҳмудхўжаев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси **Ж. Артикходжаев**

К Е Л И Ш И Л Г А Н:

Тошкент шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари — Б. Рахмонов

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ўринбосари — Ф. Маҳмудхўжаев

Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси — Р. Фазилов

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи — Б. Ташходжаев

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи — С. Уматов

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши котибияти мудири — А. Касимов

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши котибияти бош
юрисконсульти — Д. Хашимов

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2021 йил “19” февралдаги
298/34-6-сон қарорига
1-илова

Сергели туманидаги ҳудудий чегаралари ўзгариши ҳисобига бўлинаётган маҳаллаларнинг номлари

№	Бўлинадиган маҳалланинг номи	Изоҳ
1.	Сергели туманидаги “Дарёбўйи”, “Жўнариқ”, “Қипчоқ”, “Софдил”, “Юқори Дархон” ва “Бунёдобод” маҳаллалари	Сергели тумани ҳокимлиги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг таклифлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг хулосаси

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2021 йил “19” февралдаги
298/34-6-сон қарорига
2-илова

Сергели туманидаги “Бунёдобод” маҳалласини бўлиш ҳисобига янги ташкил қилинаётган маҳалла номи

№	Бўлинаётган маҳалла номи	Янги ташкил қилинган маҳалланинг номи	Изоҳ
1.	“Бунёдобод” маҳалласи	“Янги Бунёдобод” маҳалласи	Сергели тумани ҳокимлиги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг таклифи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг хулосаси

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2021 йил “19” февралдаги
298/34-6-сон қарорига
3-илова

Сергели туманидаги ҳудуди ўзгараётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифи

“Дарёбўйи” маҳалласи

Манзили: Дарёбўйи кўчаси 60^{А}-уй
Аҳоли: 4418 нафар
Оила: 1511 та
Хонадон: 1128 та

Нилуфар 1-тор кўчаси ва темирйўл кесишмасининг чап томони бўйлаб Чирчиқ дарёсигача. Чирчиқ дарёсининг чап томони бўйлаб Янгиҳаёт тумани чегарасигача. Янгиҳаёт тумани чегарасининг чап томони бўйлаб Хонобод маҳалласи чегарасигача. Хонобод маҳалласи чегарасининг чап томони бўйлаб Хонобод кўчасигача. Хонобод кўчасининг чап томони бўйлаб Қурувчилар маҳалласи чегарасигача. Қурувчилар маҳалласи чегарасининг чап томони бўйлаб Нилуфар 1-тор кўчаси ва темирйўл кесишмасигача бўлган чегараларда.

“Жўнариқ” маҳалласи

Манзили: Чоштепа кўчаси 140-уй
Аҳоли: 3195 нафар
Оила: 810 та
Хонадон: 506 та

Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро йўналишининг чап томони бўйлаб Салар каналигача. Салар каналининг чап томони бўйлаб Янги Сергели кўчасигача. Янги Сергели кўчасининг чап томони бўйлаб темирйўлгача. Темирйўлнинг чап томони бўйлаб Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро йўналишигача бўлган чегараларда.

“Қипчоқ” маҳалласи

Манзили: Сергели 4-мавзе
Аҳоли: 3655 нафар
Оила: 1365 та
Хонадон: 1130 та

Обиҳаёт кўчаси ва Саховат маҳалласи чегараси кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб Тошкент вилояти Зангиота туманигача. Тошкент вилояти Зангиота туманининг ўнг томони бўйлаб Қипчоқ кўчасигача. Қипчоқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Саховат маҳалласи чегарасигача. Саховат маҳалласи чегарасининг ўнг томони бўйлаб Обиҳаёт ва Саховат маҳалласи кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Софдил” маҳалласи

Манзили: Бирлик кўчаси 70-уй
Аҳоли: 3847 нафар
Оила: 1480 та
Хонадон: 1518 та

Янги Сергели ва Лутфикор кўчалари кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб метро йўналишигача. Метро йўналишининг ўнг томони бўйлаб Шокирариқ кўчасигача. Шокирариқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янги Сергели кўчасигача. Янги Сергели кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янги Сергели ва Лутфикор кўчалари кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Юқори Дархон” маҳалласи

Манзили: Наврўз кўчаси
Аҳоли: 5885 нафар
Оила: 1324 та
Хонадон: 924 та

Янги Сергели ва Тошкент ҳалқа автомобиль йўли кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб метро йўналишигача. Метро йўналишининг ўнг томони бўйлаб Жўнариқ маҳалласи маъмурий-ҳудудий чегарасигача. Жўнариқ маҳалласи маъмурий-ҳудудий чегарасининг ўнг томони бўйлаб Янги Сергели кўчасигача. Янги Сергели кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янги Сергели ва Тошкент ҳалқа автомобиль йўли кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Бунёдобод” маҳалласи

Манзили: Сергели 6^{A}-мавзе
Аҳоли: 5990 нафар
Оила: 1284 та
Хонадон: 1284 та

Ўзгариш ва Ҳабибий маҳалласи чегараси кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб Юқори Дархон маҳалласи чегарасигача. Юқори Дархон маҳалласи чегарасининг ўнг томони бўйлаб Нўғайқўрғон маҳалласи чегарасигача. Нўғайқўрғон маҳалласи чегарасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача. Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасининг ўнг томони бўйлаб “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори” масъулияти чекланган жамиятини қамраб олмаган ҳолда Ўзгариш ва Ҳабибий маҳалласи чегараси кесишган жойгача бўлган чегараларда.

Сергели туманида янги ташкил этилаётган маҳалланинг чегаралари ва тавсифи

“Янги Бунёдобод” маҳалласи

Манзили: Сергели 6^{A}-мавзе
Аҳоли: 6030 нафар
Оила: 1290 та
Хонадон: 1290 та

Ўзгариш ва Ҳабибий маҳалласи чегараси кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори” масъулияти чекланган жамиятини қамраб олган ҳолда Тошкент вилояти Зангиота тумани чегарасигача. Тошент вилояти Зангиота тумани чегарасининг ўнг томони бўйлаб Меҳригиё маҳалласи чегарасигача. Меҳригиё ва Ҳабибий маҳалласи чегарасининг ўнг томони бўйлаб Ўзгариш ва Ҳабибий маҳалласи чегараси кесишган жойгача бўлган чегараларда.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2021 йил “19” февралдаги
298/34-6-сон қарорига
4-илова

Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган, янги ташкил этилаётган ҳамда бирлаштириш ҳисобига номи ўзгараётган маҳаллалар рўйхати ва уларнинг номлари

№	Бўлинадиган ва бирлаштириладиган маҳаллалар номи	Бўлиниш ва бирлаштирилиш хисобига янги ташкил этилган ҳамда номи ўзгараётган маҳаллалар номи	Изоҳ
1.	“Олчазор” маҳалласи	“Ибрат” маҳалласи	Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги таклифи асосида
2.	“Ёрқин ҳаёт” маҳалласи, “Тошкент” маҳалласи	“Хушнуд” маҳалласи	
3.	“Дўслик” маҳалласи	“Иқбол” маҳалласи	
4.	Сергели туманидан қисман ўтган “Чорбоғ” ва “Паст дархон” маҳаллалари қўшилиши ҳисобига	“Янги дархон” маҳалласи	
5.	Сергели туманидан қисман ўтган “Қипчоқ” ва “Дарё бўйи” маҳаллалари қўшилиши ҳисобига	“Файзли” маҳалласи	

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2021 йил “19” февралдаги
298/34-6-сон қарорига
5-илова

Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган, янги ташкил этилаётган ҳамда бирлаштириш ҳисобига номи ўзгараётган маҳаллалар чегаралари ва тавсифи

“Чоштепа” маҳалласи

Аҳоли: 7238 нафар
Оила: 2212 та
Хонадон: 935 та

Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро йўналиши ва Тошкент-Самарқанд темир йўл кесишмасининг чап томони бўйлаб Жунариқ канали кесишмасигача, Жунариқ канали кесишмасидан Зангиота туманинг А.Темур тор кўчасининг чап томони бўйлаб Салар каналигача, Салар каналининг чап томони бўйлаб Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўлининг ўнг томони бўйлаб Янги Чоштепа кўчасигача, Янги Чоштепа кўчасининг чап томони бўйлаб 1 ва 2 кўп қаватли уйларни қамраб олмаган ҳолда Узар тор кўчасининг чап томонини камраб олган ҳолда Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро линиясигача, Метро линиясининг чап томонидан Темир йўл кесишмасигача бўлган чегараларда.

“Олчазор”маҳалласи

Аҳоли: 4069 нафар
Оила: 1270 та
Хонадон: 834 та

Қипчоқ кўчаси билан Лутфикор 3-тор кўчаси кесишмасининг чап томони бўйлаб Лутфикор кўчасигача, Лутфикор кўчасининг чап томони бўйлаб Қўрғонтепа кўчасигача, Қўрғонтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шокирариқ кўчаси кесишмасигача, Шокирариқ кўчасининг чап томони бўйлаб 10-қурилиш ҳудудигача, Г64 ва Г38 ҳудуди чегаралари бўйлаб Висол кўчасигача, висол кўчаси ўнг томони бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Лутфикор 3-тор кўчаси жойгача бўлган чегараларда.

“Ёрқин ҳаёт” маҳалласи

Аҳоли: 7329 нафар
Оила: 1818 та
Хонадон: 1669 та

Қўрғонтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб 1-сонли туғруқ комплекси чегарасини қамраб олган ҳолда Дўстлик тор кўчасининг чап томони бўйлаб Барчиной-Текстил корхонасининг чегараларини қамраб олган ҳолда Чинор кўчасигача, Чинор кўчасининг чап томони бўйлаб Чинор 1-тор кўчасигача, Чинор 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қўрғонтепа кўчасининг кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Дўстлик” маҳалласи

Аҳоли: 4365 нафар
Оила: 1348 та
Хонадон: 846 та

Дўстлик кўчасининг чап томони бўйлаб Дўстлик тор кўчасигача, Дўстлик тор кўчасининг чап томони бўйлаб Биродарлик кўчасигача, Биродарлик кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент туризм ва бизнес коллежининг чегараларини қамроб олган ҳолда Дўстлик кўчасигача бўлган чегараларда (*Дўслик -2 мавзесидаги 11 та 9 қаватли уйлар*).

“Чароғон” маҳалласи

Аҳоли: 3116 нафар
Оила: 768 та
Хонадон: 648 та

Дўстлик кўчасининг ўнг томони бўйлаб 12-Автопаркга қарашли шох бекатни қамраб олган ҳолда Дўстлик тор кўчасигача, Дўстлик тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб 304-мактаб, “Сувсоз” ДУК ва савдо шахобчалари биноларини қамраб олган ҳолда Қўрғонтепа кўчасигача, Қўрғонтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Дўстлик кўчаси кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Гулзор” маҳалласи

Аҳоли: 3582 нафар
Оила: 1021 та
Хонадон: 832 та

“4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг чап томони бўйлаб Бектемир канали кесишмасигача, Бектемир канали кесишмасидан Қўқоновул тор кўчасининг чап томони бўйлаб Тошлоқ кўчасигача, Тошлоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Жалоир ва Жалоир 1-тор кўчаси кесишмасигача, Жалоир кўчасининг чап томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача бўлган чегараларда.

“Жалоир” маҳалласи

Аҳоли: 1936 нафар
Оила: 520 та
Хонадон: 371 та

“4Р21 Тошкент айланма йўли” ва “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўли кесишмасидан “4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг чап томони бўйлаб Жалоир кўчасигача, Жалоир кўчасининг чап томони бўйлаб Жалоир 1-тор кўчасигача, Жалоир 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Жалоир кўчасигача, Жалоир кўчасининг чап томони бўйлаб Тошлоқ кўчасигача, Тошлоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қўқоновул тор кўчасигача, Қўқоновул кўчасининг чап томони бўйлаб Охунгузар кўчасигача, Оҳунгузар кўчасининг ўнг томонидаги Учқун массивини қамраб олмаган ҳолда Учқун кўчасигача, Учқун кўчасининг чап томони бўйлаб Янгиҳаёт кўчасигача, Янгиҳаёт кўчасининг чап томони бўйлаб “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлигача, “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлининг чап томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача бўлган чегараларда.

“Хўжа-Учқун” маҳалласи

Аҳоли: 2772 нафар
Оила: 696 та
Хонадон: 562 та

Оҳунгузар ва Маржон кўчасининг кесишмасидан Маржон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёсининг чап томони бўйлаб, “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлигача, “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлининг чап томони бўйлаб Янгиҳаёт кўчасигача, Янгиҳаёт кўчасининг ўнг томони бўйлаб Учқун кўчасигача, Учқун кўчасининг ўнг томони бўйлаб Учқун массивини қамраб олган ҳолда Оҳунгузар ва Маржон кўчасининг кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Тошкент” маҳалласи

Аҳоли: 1540 нафар
Оила: 623 та
Хонадон: 442 та

“4Р21 Тошкент айланма йўли” билан Боғ кўча туташган жойдан Боғ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кўкча кўчасигача, Кўкча кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ибрат 1-тор кўчаси ва Байналминал кўчаси кесишмасигача, Байналминал кўчасининг чап томони ҳамда саноат ишлаб чиқариш корхоналарини чегаралари ва автосалон чегараларини қамраб олмаган ҳолда “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача, “4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг чап томони бўйлаб Боғ кўча туташган жойгача бўлган чегараларда.

“Чортоқ” маҳалласи

Аҳоли: 5180 нафар
Оила: 1719 та
Хонадон: 1567 та

“4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг чап томони бўйлаб Чирчиқ дарёчигача, Чирчиқ дарёсининг ўнг томони бўйлаб Чортоқ ариғи билан Қанора кўчаси кесишмасигача, Чортоқ ариғининг ўнг томони бўйлаб Завод кўчасигача, Завод кўчасининг ўнг томони бўйлаб, Райхон ва Ибрат 1-тор кўчаси кесишмасигача, Ибрат 1-тор кўчасининг чап томони бўйлаб Кўкча кўчасигача, Кўкча кўчасининг чап томони бўйлаб Боғ кўчасигача, Боғ кўчасининг чап томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача бўлган чегараларда.

“Бинокор” маҳалласи

Аҳоли: 4720 нафар
Оила: 1730 та
Хонадон: 1070 та

“4Р21 Тошкент айланма йўли” билан Чирчиқ дарёси кесишган жойдан, “4Р21 Тошкент айланма йўли” чап томони бўйлаб “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлигача, “Тошкент-Ангрен-Поп” темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёсининг чап томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли” кесишган жойгача бўлган чегараларда.

Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳаллалар чегаралари ва тавсифи

“Иқбол” маҳалласи

Аҳоли: 3580 нафар
Оила: 1235 та
Хонадон: 1196 та

Дўстлик кўчасининг чап томони бўйлаб Тошкент туризм ва бизнес коллежини қамраб олмаган ҳолда Биродарлик кўчасигача, Биродарлик кўчасининг чап томони бўйлаб Марғиб кўчасигача, Марғиб кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қўрғонтепа кўчасигача, Қўрғонтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Дўстлик кўчаси кесишган жойгача бўлган чегараларда (*Истиқлол маҳалласига Дўстлик-1 мавзеси, Спутник-15 мавзеси ва 57 та участка хонадонлар*).

“Файзли” маҳалласи

Аҳоли: 4470 нафар
Оила: 1660 та
Хонадон: 1250 та

Қипчоқ кўчаси ва “Тошкент-Арген-Поп” темир йўли кесишган жойнинг ўнг томони бўйлаб Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёсининг ўнг томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача, “4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг чап томони бўйлаб, Соҳил бўйи кўчасигача, Соҳил бўйи кўчасининг ўнг ва чап томонлари бўйлаб Завод ва Райхон кўчаси кесишмасигача, Завод кўчасининг чап томони бўйлаб Райхон ва 1-тор Ибрат кўчаси кесишмасигача, 1-тор Ибрат кўчасининг ўнг томони бўйлаб Марғиб кўчасигача, Марғиб кўчасининг чап томони бўйлаб Қанора кўчасигача, Қанора кўчасининг чап томони бўйлаб Янги Сергели кўчасигача, Янги Сергели кўчасининг ўнг томони бўйлаб Софдил кўчасининг кесишмасигача, Софдил кўчасининг чап томони бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қипчоқ кўчаси ва “Тошкент-Арген-Поп” темир йўли кесишган жойгача бўлган чегараларда.

“Ибрат” маҳалласи

Аҳоли: 2717 нафар
Оила: 877 та
Хонадон: 740 та

Шокирариқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қўрғонтепа кўчасигача, Қўрғонтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Лутфикор кўчасигача, Лутфикор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Мирзо Турсунзода кўчасигача, Мирзо Турсунзода кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шокирариқ кўчасининг кесишмасигача бўлган чегараларда.

“Хушнуд” маҳалласи

Аҳоли: 6178 нафар
Оила: 2370 та
Хонадон: 1010 та

Чинор 1-тор кўчасининг чап томони бўйлаб Барчиной-Текстил корхонасининг чегараларини қамраб олмаган ҳолда Дўстлик тор кўчасининг чап томони бўйлаб Байналминал кўчасининг охирги нуқтасигача, Байналминал кўчасининг охирги нуқтасидан саноат корхоналари ҳамда автосалон чегараларини қамраб олган ҳолда “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача, “4Р21 Тошкент айланма йўли”ининг чап томони бўйлаб

Юксалик-2 кўчасигача, Юксалик-2 кўчасининг ўнг томони бўйлаб вилоят кўчасигача, Висол кўчасининг чап томони бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Чинор 1-тор кўчагача бўлган чегараларда.

Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларни бирлаштириш ҳисобига номи ўзгараётган маҳалла чегаралари ва тавсифи

“Янгидархон” маҳалласи

Аҳоли: 2980 нафар
Оила: 917 та
Хонадон: 585 та

Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро йўналишининг ўнг томони бўйлаб Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача, Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг ўнг томони бўйлаб “4Р21 Тошкент айланма йўли”гача, “4Р21 Тошкент айланма йўли”нинг ўнг томони бўйлаб Наврўз тор кўчасигача, Наврўз тор кўчасининг чап томони бўйлаб Салар каналигача, Салар каналининг чап томони бўйлаб Янгиҳаёт ва Сергели тумани чегарасидаги метро йўналишигача бўлган чегараларда.